

## **ПАРРАНДАЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

*Рахматалиев Музаффар Эшдавлатович,*

*“ТИҚХММИ” МТУ, PhD*

*Абдурахмонов Нурбек Аззам ўгли,*

*“ТИҚХММИ” МТУ талабаси*

**Annotation.** Мақолада, паррандачилик хўжалиklarининг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, харажатлар ҳисобини юритиш ва унинг аудитини ўтказиш ёритилган.

**Key words.** Аудит, ички аудит, харажатлар, таннарх, тўғри харажатлар, эгри харажаталар, ишлаб чиқариш, фойда, соф фойда.

**Кириш.** Паррандачилик хўжалиklarида харажатлари аудити тасниф гуруҳига кўра белгиланган мақсад-вазифаси бўйича аудит ҳисобланади. Паррандачилик хўжалиklarида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, харажатлар ҳисобини ҳисобини юритиш аудитининг ташкилий-услубий жиҳатларини ишлаб чиқиш ва уни аграр секторда жорий қилиш заруратини юзага келтирмоқда. Бу эса, паррандачилик хўжалиklarининг молиявий ҳисоботининг тўғри ва ишончилигини аниқловчи аудиторлик текширувларини ўтказиш методикаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш билан бир қаторда паррандачилик хўжалиklarиларида харажатлар аудитининг назарий асосларига нисбатан янги масалаларини ҳал этишни тақозо этмоқда.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонлик олимлар, мутахассислар, жумладан, К.Б.Уразов, Ҳ.Н.Мусаев, О.Бобожонов, И.Қ. Очиллов, Ж.Э. Қурбонбоев, Р. Дўсмуратов, А. Аликулов ва бошқалар ўз

ишларида харажатлар ҳисоби ва аудити кенг тўхталганлар, бу ҳақда уларнинг чоп этилган дарсликлари, ўқув қўлланмалари, мақолаларидан билиб олиш мумкин.

**Тадқиқотлар методологияси.** Мазкур мақолада илмий билишнинг анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, статистик ва молиявий таҳлил ҳамда иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилди.

**Асосий қисм.** Ҳар қандай паррандачилик хўжаликлари ўз фаолиятини юритишда турли хил харажатларни амалга оширади. Шу жумладан паррандачилик хўжаликларида ишлаб чиқариш фаолиятидан келиб чиқиб амалга ошираётган харажатларини аудит объекти сифатида оладиган бўлсак, паррандачилик хўжаликларида амалга оширилган харажатларни амалдаги қонун қоидаларга мувофиқ тарзда амалга оширилганлигини текшириш учун аудит ўтказилади .

Бунда паррандачилик хўжаликларининг қуйидаги харажатлар гуруҳига ажратиб аудитдан ўтказилади;

- ✓ Асосий ишлаб чиқариш харажатлари
- ✓ Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари
- ✓ Умум ишлаб чиқариш харажатлари
- ✓ Давр харажатлари

Аудит объекти деб юқоридаги гуруҳларни олсак мақсадга мувофиқ бўлади . Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда харажатларни турлари бўйича аудит қилиш келиб чиқади ва ҳар бир тур харажат бўйича ҳисоб тўғри юритилганлиги аудит натижасида аниқланади.

Паррандачилик хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва паррандачилик маҳсулотлар таннархини ҳисоблашни аудиторлик текширувидан ўтказишдан мақсад содир бўлган хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш ва солиққа тортишда қўлланилаётган тартибнинг Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини аниқлашдан

иборат.

Текширув жараёнида аудитор куйидаги масалаларни ҳал этади:

- ✓ паррандачилик хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари таснифини низом талабларига мослигини аниқлаш;
- ✓ паррандачилик хўжаликларида эгри харажатларни таксимланиш усулларни мақсадга мувофиқлигини тасдиқлаш;
- ✓ паррандачилик тайёр маҳсулотларини баҳолаш бўйича усул асосли танлаб олинганлиги ва тўғри қўлланилаётганини тасдиқлаш;
- ✓ паррандачилик тайёр маҳсулотлари тўлиқ кирим қилинаётганлигини аниқлаш;
- ✓ ўнатиш ва сотилган паррандачилик маҳсулотлари ҳажмларини тасдиқлаш;
- ✓ ўнатиш ва сотилган паррандачилик маҳсулотлари таннархини тасдиқлаш.

Паррандачилик хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари бўйича ҳисоб юритилиши ҳолатини текшириш бўйича маълумот манбалари бўлиб куйидагилар ҳисобланади: ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоб қайдномалар, тайёр паррандачилик маҳсулотларини омборда ҳисобга олиш бўйича варақалар, прејскурантлар, паррандачилик маҳсулотларини этказиб бериш тўғрисида шартномалар, счет-фактуралар, сотиш бўйича дафтарлар, тайёр паррандачилик маҳсулотларини бериш тўғрисида юк хатлари, харидорлар ишончномалари, тушум келиб тушганлиги тўғрисида дастлабки банк ва касса хужжатлари (тўлов талабномалар, талабнома-топширикномалар, кирим касса ордерлари ва бошқалар), 2010, 2810, 2910, 9010, 9110, 5010, 5110, 4010 сонли ва бошқа счетлар бўйича ҳисоб регистрлари (рўйхатномалар, журнал-ордерлар, машинограммалар), Бош китоб, "Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" (2-сонли шакл) ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш харажатлари аудитида фойдаланиладиган меъёрий

хужжатлар рўйхати

1. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун
2. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси
4. “Корхоналарда ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом
5. “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ҳақида” ги Низом
6. “Инвентаризатсия вақтида аниқланган мол-мулкнинг камомади ва ортиқчасини бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби ҳақида” ги Низом
7. Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари
8. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари
9. Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари ва х.

Паррандачилик хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг тўғрилигини ва паррандачилик маҳсулотлари таннархи тўғрисидаги ҳисоботни тузишнинг тўғрилигини назорат қилиш учун қуйидагиларни текшириш лозим: ҳисобот давридаги ҳақиқий харажатларнинг ишлаб чиқариш харажатлари счётларида ўз вақтида, тўлиқ ва ишонарли акс эттирилиши; ишлаб чиқаришга харажат қилинган хом ашёлар, материаллар, ёқилғилар, эҳтиёт қисмлар ва ёқилғи-мойлаш материалларини баҳолашнинг тўғрилиги; белгиланган харажат сметалари, лавозим маошлари, тариф ставкалари, ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва мукофотлаш ҳақидаги Низомга риоя қилиш устидан назоратнинг таъминланганлиги; ноишлаб чиқариш сарфлари ва йўқотишларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳамда ҳисобдан чиқарилишнинг асосланганлиги. Асосий харажатлар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатларининг тўғри ва асосланган ҳамда меъёрларга мувофиқлигини текширилади. Паррандачилик маҳсулотларининг режадаги ва ҳисобот калкулятсиясининг тўғрилигини

харажат моддалари бўйича текширилади. Натижада режа ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги тафовутларни моддалар бўйича таҳлил қилиниб, тафовутлар сабаби аниқланади. Хом ашё ва материалларни сарфлашнинг тўғрилиги, баҳолар тўғрилигини текшириш методлари, паррандачилик маҳсулотлари бирлигига тўғри келадиган сарф меъёрига риоя қилиниши текширилади. Брак (яроқсизлик) дан кўрилган йўқотишлар ва ишлаб чиқариш харажатлари счётларини ёпишнинг тўғрилигини текшириш.

**Хулоса.** Аудитор шуни яхши билиши зарурки, паррандачилик маҳсулотлари таннархи бухгалтерия ҳисобида оддий фаолият турлари бўйича ҳисобот даврида паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализатсия билан боғлиқ сарфлар йиғиндиси каби аниқланади. Паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари тўланган вақтидан қатъий назар (олдин ёки кейинчалик тўланган), қайси ҳисобот даврига тааллуқли бўлса, шу давр таннархига қўшилади. Аудитор ушбу хўжалик муомаласини асосиз, яъни ўтган йилдаги паррандачилик маҳсулотлари таннархини сунъий равишда оширган ва молиявий натижани ҳамда фойда солиғини пасайтирган деб топди ва тузатиш киритишни тавсия қилди. Шу билан бирга тўланган ижара ҳақи кейинги йил давомида умумий сумманинг 1/12 қисми миқдорида ҳар ойда харажатга ҳисобдан чиқариши лозимлигини тушунтирди. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг 9-моддасига мувофиқ паррандачилик хўжаликларида содир этилган барча хў алик муомалалари амалга ошириладиган вақтда ёки амалга оширилиб бўлингандан сўнг тегишли дастлабки ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши лозим. Харажатларни ҳужжатлаштириш тамойили аудиторнинг харажатларни асослаш учун исботловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, ҳамда ушбу муомалаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг тўғрилигини тасдиқлаш вазифасини белгилаб беради. Юқорида номи қайд қилинган, “Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом” га мувофиқ барча харажатлар

кўйидагича гуруҳланади:

Паррандачилик маҳсулотларининг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

- ✓ бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- ✓ бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;
- ✓ бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

Паррандачилик хўжаликларида ишлаб чиқариш таннархига киритилмасдан, давр сарфлари таркибида ҳисобга олиниб, асосий фаолиятдан олинган фойда ҳисобидан қопланадиган харажатлар:

- ✓ сотиш харажатлари;
- ✓ бошқарув харажатлар (маъмурий сарф-харажатлар);
- ✓ бошқа муомала харажатлари ва зарарлар.

Паррандачилик хўжаликларининг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки кўрилган зарарларни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинадиган, унинг молиявий фаолиятига доир харажатлар:

- ✓ фоизлар бўйича сарфлар;
- ✓ хорижий валюта муомалалари бўйича салбий курс тафовутлари;
- ✓ қимматли қоғозларга кўйилган маблағларни қайта баҳолаш;
- ✓ молиявий фаолиятга доир бошқа харажатлар.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 05 февралдаги № 54-сонли “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низоми.
2. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003. -612 б.
3. Аликулов А.И. Харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий ҳамда амалий масалалари. Монография. "Фан ва технология», - Тошкент, 2010. -196 б.